



ЁГ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ТАСНИФИ

Боронов Бобур Фарходович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, и.ф.ф.д (PhD), e-mail: bobur-boronov@mail.ru УДК: 334.71 BBK: 65.05
ORCID: 0000-0002-2597-4755

CLASSIFICATION OF COSTS AT ENTERPRISES PRODUCING OIL AND FAT PRODUCTS

Boronov Bobur Farkhodovich

Doctoral student of Samarkand Institute of Economics and Service, PhD, e-mail: bobur-boronov@mail.ru УДК: 334.71 BBK: 65.05
ORCID: 0000-0002-2597-4755

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Уибӯ мақолада номатив-хўжоуий хўжажатлар ва иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариши корхоналарида амалга ошириладиган харажатлар ва уларнинг турли белгилари бўйича таснифи масалалари келтирилган бўлиб, уларга берилган таъриф ва тавсифлар таҳлил қилинган ҳолда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Жумладан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариши жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқариши харажатлари бевосита ва билвосита харажатларга ажратилган ҳолда уларнинг таркиби белгилаб олинган ва муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариши корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг таннархига таъсири этиши хусусиятларига кўра ишлаб чиқариши харажатлари икки гуруҳга, яъни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга ажратилган ҳолда таснифланган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариши харажатларини турли белгилари бўйича таснифи асослари

ёритилган бўлиб, уибӯ ишлаб чиқариши харажатлари ишлаб чиқариши жараёнидаги ролига кўра, маҳсулот таннархига таъсирига кўра, маҳсулот таннархига олиб бориши хусусиятларига кўра, ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан ўзгаришига кўра, иқтисодий моҳиятига кўра ҳамда харажатларнинг ҳисобга олиш даврига кўра ажратилган. Шунингдек, олиб борилган тадқиқотлар натижасида мазкур таснифи белгилар бўйича ажратилиб кўрсатилган харажатлар яна бошқа гуруҳларга ажратилган ҳолда уларнинг тавсифи ва ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариши харажатлари ҳисобга олинадиган бўлимлар бўйича харажатлар турлари гурухланган. Мақоланинг холосалар қисмida ёғ-мой саноати корхоналарида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши харажатлари ҳисоби ва таснифи асосларини тақомиллаштириши бўйича холосалар берилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract. In this article, the costs incurred in production enterprises and their

various signs in legal documents and economic literature are presented. In particular, taking into account the specific features of the processes of production of oil-oil products, production costs were divided into direct and indirect costs, their composition was determined and author's definitions were developed. Production costs are classified into two groups, i.e., variable and fixed costs, according to their impact on the cost of finished products in manufacturing enterprises. The bases of classification of production costs in oil and oil industry enterprises operating in our country according to various signs have been explained. divided according to the essence and according to the accounting period of expenses. Also, as a result of the conducted research, the costs that were separated according to these classification symbols were further divided into other groups, and the types of costs were grouped according to their description and the departments where production costs are taken into account in oil-oil industry enterprises. In the conclusion part of the article, scientific proposals and recommendations were developed, with conclusions on improving the basis of classification and calculation of the costs of production of finished products in oil-oil industry enterprises.

Калим сўзлар. ёғ-мой маҳсулотлари, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариши харажатлари, маҳсулот таннархи, харажатлар таснифи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Key words. oil and fat products, finished products, production costs, product cost, cost classification, international financial reporting standards.

Кириш. Республикаизда иқтисодиётнинг барча соҳаларини

ривожлантириш, уларни модернизациялаш бўйича катор ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, бугунги кунда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу йил учун прогноз мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан саноат маҳсулотлари улушини 7% га ўсишини таъминлаш вазифаси кўйилган [1]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда, саноат маҳсулотлари, хусусан ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакат миллий иқтисодиётида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда белгиланган муҳим вазифаларидан бири бу сифатли ва рақобатбардош ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш орқали аҳоли турмуштарзини юксалтириш ҳисобланади. Бу эса, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида янги вазифаларни юклайди.

Материал ва метод. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этишга боғлиқ. Шу боис, ушбу тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини тўғри бошқариш, уларни ҳисобда аниқ акс эттириш, шунингдек молиявий ва бошқарув ҳисботларида уларни шаффоф акс эттириш ҳисоб олдидаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса, ёғ-мой саноати корхоналарида молиявий ва бошқарув

хисобини ташкил этиш, хусусан ишлаб чиқариш харажатлари бўйича адабиётларда келтирилган таъриф ва тартиб-қоидаларни ўрганиб чиқишини тақозо этди.

Россия Федерацияси Солик Кодексининг 252-моддасида “Харажатлар ўз хусусиятига, шунингдек амалга ошириш шартларига ва солик тўловчининг фаолият соҳаларига қараб, ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларга хамда операцион бўлмаган харажатларга бўлинади” [2] деб, тавсифланган.

2-сон БХХСларида “Товар-моддий захираларини қайта ишлаш харажатларига маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари киради. Шунингдек, уларга хом ашёни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулотга қайта ишлаш натижасида юзага келадиган тизимли тақсимланган, доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўз ичига олади” [3] деб таърифланган.

Молиявий хисботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда харажатлар атамасига қўйидагича таъриф ва тавсифлар берилган: “Харажатлар – хисбот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши. Харажатлар атамаси мулкни бошқариш, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва заарлар билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади” [4].

М.Б.Калонов, “Корхона харажатларини “Фаолият билан боғлиқ

харажатлар” ва “Бошқа харажатлар ва заарлар” деб иккита йирик гурухга бўлиб хисобини юритиш лозим. Корхона фаолияти билан боғлиқ харажатларга қандайдир мақсадли, режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатларни киритиш лозим” [6], деб ҳисоблайди. Олим даромад ва харажатларни гурухларга бўлишда уларнинг номланишига ҳам эътибор қаратиб, уларни ўзаро таққослаш имкониятини ошириш мақсадида, даромадларни ҳам худди шу ном каби, яъни “Фаолият билан боғлиқ даромадлар” хамда ‘Бошқа даромадлар ва тушумлар’га бўлган ҳолда хисобда акс эттириш лозимлигини қайд этган.

А.Х.Маматқулов, “Харажатлар маҳсулот ишлаб чиқиши тайёрлашдан бошлаб уни тайёр маҳсулот ҳолида омборга қабул қилингунгача бўлган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади ва улар маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб ҳар хил бўлади” [7], деб таъкидлаган.

М.А.Набиевнинг фикрича, “Тайёр маҳсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш харажатлари – бу маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараённида ишлаб чиқариш захиралари хамда уларни қайта ишлаш учун сарфланадиган бевосита меҳнат ва бошқа билвосита сарфланган ресурсларнинг пулдаги ифодаси бўлиб, унинг натижасида маҳсулот таннархи шаклантирилади” [8]. Ушбу таърифда ишлаб чиқариш захираларининг қайта ишлаш жараённига берилиши ва қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот олиниш жараёнлари инобатга олинган бўлиб, бевосита ва билвосита харажатлар алоҳида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси 4-сонли бухгалтерия хисобининг миллий стандартида қиймат, харажатлар бўйича қўйидаги таърифлар келтирилган: бевосита харажатлар – алоҳида турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг бирлиги таннархига тўғридан-тўғри киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари; билвосита харажатлар – бир неча турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, уларни муайян товар-моддий захиралар бирликлари таннархига бевосита киритиб бўлмайди, бунинг оқибатида улар харажатлар обьектлари ва уларнинг бирликлари таннархи ўртасида хисоб-китоб йўли билан тақсимланади [5].

Натижалар. Юқоридаги олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда адабиётларда келтирилган таърифлардан қўриш мумкинки, ишлаб чиқариш харажатлари хисобини ташкил этиш ва уларни тўғри тақсимлаш масалалари бўйича ўз ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд.

Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг харажатлари таркибида асосий ўрин эгаллайди. Корхонанинг ушбу харажатларини тўғри бошқариш ва ташкил этиш, уларни ҳисоб ва ҳисбот шаклларида тўғри акс эттириш бугунги кунда, ҳисоб ва ҳисбот олдида энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ёғ-мой корхоналари томонидан амалга ошириладиган бундай харажатлар, ўз навбатида, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига олиб бориш хусусиятига кўра

бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади.

Бевосита харажатлар – бу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг асосий ишлаб чиқариш бўлимларида айнан маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган тўғри харажатлар. Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган бундай харажатларга асосан, асосий ишлаб чиқариш, рафинация, дезодорация ва қадоқлаш бўлимлари бўйича қилинган харажатлар киради.

Билвосита харажатлар – бу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг бошқа бўлимларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ҳисоб сиёсатига танланган усулга мувофиқ тақсимланадиган умумий ва эгри харажатлар. Ёғ-мой корхоналарида бундай харажатларга умумишилаб чиқариш харажатлари асосий аҳамият касб этади.

Корхоналарда маҳсулотларнинг таннархига таъсир этиш хусусиятлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини яна икки гурухга ажратилган ҳолда таснифлаш муҳим ҳисобланади. Ёғ-мой саноати корхоналарида бундай харажатлар ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлардир.

Ўзгарувчан харажатлар – бу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорининг ошиб бориши билан бир вақтнинг ўзида, параллел равишда, ушбу харажат моддалари ҳажми ҳам ортиб борадиган харажатлар. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида бундай харажат турларига ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган хом ашё, материал, харажатлари киради.

Ўзгармас харажатлар – бу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш

корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган, яъни маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига дахлсиз бўлган харажатлар. Тадқиқот обьектимиз ҳисобланган корхоналарда меҳнат ҳаки ва у бўйича қилинган харажатлар, асосий воситалар амортизацияси ва бошқа харажатлар ўзгармас харажатлар ҳисобланниб, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таркибига салмоқли ўрин эгаллади.

Мунозара. Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас

харажатларга тўғри тақсимлаш бошкарув қарорларини тўғри қабул қилишга ҳамда маҳсулот таннархини аниқлаш учун муҳим ҳисобланади.

Юқорида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини юқорида келтирилган таснифлаш белгиларидан ташқари яна кўшимча равишда, уларнинг хусусиятлари бўйича қуидагича таснифладик (1-жадвал):

1-жадвал

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар таснифи¹

Таснифлаш белгилари	Таснифлаш белгисига кўра гурӯҳлари	Таснифлаш гурӯҳларининг тавсифи	Харажатлар ҳисобга олинадиган бўлимлар	Гурӯхлар бўйича харажат турлари
Ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига кўра	Асосий ишлаб чиқариш харажатлари	Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи асосий бўлимларда ҳисобга олинган барча харажатлар.	* асосий ишлаб чиқариш цехи; * рафинация цехи; * дезодорация цехи; * экстракция цехи; * қадоклаш цехи.	* асосий хом ашё ва материаллар; * иш ҳаки; * ижтимоий солик; * асосий воситалар амортизацияси;
	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	Маҳсулотлар яратишида асосий бўлимга билвосита хизмат киладиган бўлинмалар бўйича харажатлар.	* таъмирлаш устахонаси бўйича харажатлар; * иссиқлик ва буг билан таъминлаш хўжалиги; * совуклик билан таъминлаш хўжалиги; * тайёрлов цехи; * механика цехи.	* таъмирлаш устахонаси бўйича харажатлар; * иш ҳаки; * ижтимоий солик; * асосий воситалар амортизацияси; * совутиш жараёни бўйича харажатлар; * иссиқлик ва буг бериш жараёни бўйича харажатлар;
	Умумишлиб чиқариш харажатлари	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг барча бўлимлари ҳамда маъмурият бўлимига хизмат кўрсатувчи умумишлиб чиқариш ва хизмат кўрсатиши бўйича бўлимлари	* таъминот бўлими; * қозонхона бўлими; * ёнгинга карши курашиб бўлими; * қоровулхона; * тозалик бўйича бўлим.	* машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш; * машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш; * машина ва асбоб-ускуналарнинг бутлигини таъминлаш;

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

		харажатлар.	<ul style="list-style-type: none"> * соглиқни сақлаш объектлари; * болалар боғчалари; * уй-жой коммунал хўжалиги объектлари; * спорт ва маданият; * тикувчилик ва бошқа майший хизмат кўрсатиш устахоналари; * ошхона ва буфетлар; * илмий-тадқиқот ва конструкторликка оид ажратилган бўлинмалар. 	<ul style="list-style-type: none"> * иш ҳаки; * ижтимоий солик; * электро-энергия бўйича харажатлар; * сув ва оқова бўйича харажатлар; * табиий газ бўйича харажатлар; * чиқиндиларни ташиб бўйича харажатлар; * асосий воситалар амортизацияси; * мол-мулкни сугурталаш; * ижара ҳаки; * хизмат кўрсатиш хўжалиги бўйича бошқа харажатлар.
Махсулот таннархига таъсирига кўра	Таннархга кўшиладиган харажатлар	Махсулот яратилишига катнашган ва унинг таннархига кўшиладиган харажатлар	Асосий, умумишлиб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари	<ul style="list-style-type: none"> * ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган барча харажатлар
	Таннархга кўшилмайдиган харажатлар	Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик бўлмаган, махсулоттинг таннархига таъсир этмайдиган харажатлар	Маъмурият бўлими	<ul style="list-style-type: none"> * сотиш харажатлари; * маъмурӣ харажатлар; * молиявий фаолият бўйича харажатлар; * солик бўйича харажатлар; * бошқа харажатлар.
Махсулот таннархига олиб бориш хусусиятига кўра	Бевосита харажатлар	Тайёр махсулоттинг таннархига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар.	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари харажатлари
	Билвосита харажатлар	Махсулот таннархига тўғридан-тўғри олиб бориб бўлмайдиган, балки ҳисоб сиёсатига мувофиқ тақсимланадиган харажатлар.	Умумишлиб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими	Умумишлиб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими харажатлари
Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўзгаришига кўра	Ўзгарувчан харажатлар	Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан мос равиша ўзгариб борадиган харажатлар.	Барча ишлаб чиқариш бўлимлари	<ul style="list-style-type: none"> * хом ашё; * ишбай иш ҳаки ва у бўйича мажбурий тўловлар; * электро-энергия бўйича харажатлар; * сув ва оқова бўйича харажатлар; * табиий газ бўйича



Иқтисодий мохиятига кўра				харажатлар.
	Ўзгармас харажатлар	Харажатларнинг ўзгариши махсулот ишлиб чиқариш жамкига боғлиқ бўлмасдан, балки барча даврларда бир хил бўладиган харажатлар.	Барча ишилаб чиқариш бўлимлари	* вақтбай иш ҳаки ва у бўйича мажбурий тўловлар; * асосий воситалар амортизацияси; * ижара ҳаки; * мол-мулкни сугурталаш; * чиқиндиларни ташиб бўйича харажатлар;
	Моддий харажатлар	Асосий ва бошка хўжаликларда ишилаб чиқаришга сарфланган хом ашё ва материал харажатлари	Барча ишилаб чиқариш бўлимлари	* хом ашё; * кадоқлаш материаллари; * қайта ишилаб чиқариш мақсадида корхоналардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар: кора ёғ ва кунжара.
	Иш ҳаки ва ижтимоий солик харажатлари	Маъмурият ва барча бўлимларда хизмат кўрсатадиган ходимларнинг меҳнат ҳаки бўйича харажатлар	Барча ишилаб чиқариш ва маъмурият бўлимлари	* иш ҳаки; * ижтимоий солик.
	Амортизация харажатлари	Маъмурият ва барча бўлимларда фойдаланишга топширилган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация харажатлари	Барча ишилаб чиқариш ва маъмурият бўлимлари	* ишилаб чиқаришнинг барча бўлимларининг асосий воситалари ва номоддий активлари амортизацияси.
Харажат- ларнинг хисобга олиш даврига кўра	Бошка харажатлар	Маъмурият ва барча бўлимларда ишилаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари	Барча ишилаб чиқариш ва маъмурият бўлимлари	* бошка барча харажатлар.
	Хисобот даврида	Ҳисобот ойида рўй берган ва шу ойда харажат сифатида тан олинадиган харажатлар	Барча ишилаб чиқариш ва маъмурият бўлимлари	* барча харажатлар.
	Келгуси даврда	Ҳисобот даврида юз берган, бироқ келгуси даврда хисобга	Умумишилаб чиқариш ва ёрдамчи ишилаб чиқариш	* ишилаб чиқаришни тўхтатган ҳолда таъмирлаш

	олинадиган харажатлар	бўлимлари	харажатлари.
--	-----------------------	-----------	--------------

Хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари харажатларини тўғри таснифлаш корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва иқтисодий қўрсаткичларни баҳолаш самарадорлигини яхшилайди.

Хулоса. Ёғ-мой саноати корхоналарида харажатлар таснифи бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқотлар давомида иқтисодий адабиётларда “харажатлар”, жумладан “ишлаб чиқариш харажатлари” бўйича келтирилган таъриф ва тавсифлар ўрганилганда аниқ бўлдик, ушбу иқтисодий категориялар корхоналар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

2. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида бевосита ва билвосита харажатлар ҳамда ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар бўйича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу таърифлар ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олишга хизмат қилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини аниқлашга ҳамда бошқарув ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қиласди, деб ўйлаймиз.

4. Тадқиқот натижасида меъёрий-хуқукий ҳужжатларда ишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот таннархига таъсири бўйича келтирилган маълумотлар ўрганиб чиқилди ва уларнинг таснифий мезонлари ишлаб чиқилди.

5. Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига кўра, маҳсулот таннархига таъсирига кўра, маҳсулот таннархига олиб бориш хусусиятига кўра, ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўзгаришига кўра, иқтисодий моҳиятига кўра, харажатларнинг ҳисобга олиш даврига кўра таснифий белгилари ажратилди. Ушбу таснифий белгилар эса, гурухларга ажратилган ҳолда уларнинг тавсифи ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинадиган бўлимлар бўйича харажатлар турлари гурухланди.

Олиб борилган ушбу тадқиқот натижалари молиявий ва бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларини тўғри таснифлашга, ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ишлаб чиқариш харажатлари бўйича иқтисодий ахборотлар билан тўлиқроқ қондиришга ҳамда молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишга хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Ўзбекистон Республикасининг ‘2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида’ти Конуни. 2021 йил 30 декабрь. ЎРҚ-742-сон.
2. “Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая)” от 05.08.2000 N 117-ФЗ (ред. от 14.07.2022). Статья 252. Расходы. Группировка расходов.
3. 2-сон БҲС “Захиралар”. <https://finotchet.ru/articles/133/>



4. Молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилган. 475-сон. <http://lex.uz/docs/828557>.
5. 4-сон БХМС “Товар-моддий заҳиралар” // АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинганд. <https://lex.uz/docs/4890446>
6. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар хисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 29-бет.
7. Маматқулов А.Х. Паҳтани қайта ишлаш корхонасида ишлаб чиқариш хисобини юритишда харажатлар хисобини такомиллаштириш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -2017, № 3, май-июнь.
8. Набиев М.А. Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш хисобини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. -Т.: 2021. 19-бет.